



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 декабр, шанба №188 (1202)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МДХНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИ

Москва, 30 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Россия пойтахтида МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабр ойида МДХ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди, МДХнинг бугунги аҳволи ва келажиги хусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳамдўстлик фаолиятида биринчи галда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масалаларига эътиборни янада кучайтирмоқ кераклигини, ҳар хил ҳарбий-сиёсий мавзуларга чалғимай, ўзаро манфаатли муносабатларни рағбатлантиришга интилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Зотан, МДХни тузишдан мақсад ҳам мавжуд иқтисодий ришталарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат эди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг янги мажлисида ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф



этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқими

ни кўпайтириш ва енгилатиш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, бож-

хона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, хўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисида Афғонистон-

даги вазият ва мазкур мамлакат халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда хавфсизликка оид масалалар ҳам кўрилди.

Давлатлар раҳбарлари

МДХ тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотларга имзо чекди.

(ЎзА).

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Айни кунларда мамлакатимизда Япониянинг «Фукусима-Ўзбекистон» уюшмаси молиявий ишлар бўйича ижрочи директори Т.Сисидо раҳбарлигидаги собиқ япон асирларидан иборат делегация меҳмон бўлиб турибди. Улар мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, юртимизда иккинчи жаҳон уруши йилларида дафн этилган ватандошлари қабрла-

рини зиёрат қилди. Делегация аъзолари Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ҳам бўлди. «Фукусима-Ўзбекистон» уюшмаси ва кенгаши ўртасида халқаро дўстлик алоқаларини янада мустақамлашга қаратилган шартнома имзоланди.

(ЎзА).

ЎЗБЕК

БОКСЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Россиянинг Нижневартовск шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир ўз ниҳоясига етди. Унда нефт қазиб олувчи мамлакатлардан 100 нафар спортчи иштирок этди.

Ириқ халқаро турнирларда муваффақиятлари билан жаҳонга машҳур ўзбекистонлик чарм қўлоқ усталари 5 та медални қўлга киритди. Ҳамюртимиз Бахит Сарсекбоев турнирда ғалаба қозониб олтин медалга, Шерзод Хусанов ва Ўткирбек Хайдаров эса кумуш медалларга сазовор бўлди. Рафқат Эралиев ҳамда Сергей Михайлов бронза медалларга эга бўлди.

(ЎзА).

Ибрат

Биз тарбия масаласида ижтимоий ҳамкорлик аҳамияти ҳақида кўп гапираемиз. Аммо у амалда камдан-кам ҳоллардагина бутун бўй-баста билан намоён бўлади. Ва-холанки, ёш авлод тарбиясида шарқона урф-одатларнинг, миллий маънавиятнинг ўзига хос хусусиятлари устуворлиги яққол кўзга ташланади.

КОЛЛЕЖНИНГ МАҲАЛЛАГА ЁРДАМИ

Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи шаҳарнинг Жавҳир номи маҳалласи ҳудудида жойлашган. Мазкур билим даргоҳининг ўқув-моддий базаси ҳукуматимиз гамхўрлиги тудайли жаҳон андозалари даражасига кўтарилди. Таълим сифати ҳам тубдан яхшиланди. Бу ерда ўқувчилар фан сирларини ўрганиш билан бирга турли тўғарак машғулотларида ўзлари қизиққан касб-хунар билан шугулланишади.

— Ўсмирлар табиатидаги ўзгаришларнинг бир томони ижтимоий тенгсизликка, нотўғри тарбияга бориб тақалади. Бунинг олди олинмас жиддий муаммага айланиб кетиши мумкин, — дейди коллеж директори Гулчеҳра Шодиева. — Ўтган йили маҳалланинг тарбияси оғир болалари билим юртимизнинг дераза ойналарини синдириши, гулзорларни пайҳон қилиши ҳоллари рўй берди. ИИБ ходимлари аралашди. Аммо масала батамом ўз ечимини топмади. Шунда биз маҳалладаги тарбияси оғир ҳисобланган болалар билан суҳбатлашдик. Улар талабаларга хавас қилишларини, коллеж спорт зали ва майдонларида, фан кабинетларида шугулланишни исташларини айтиб қолишди. Шунча йил ушбу даргоҳда ишлаб атрофдаги хонадонларнинг болаларига имконият бериш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганимиздан жуда хижолат бўлдим. Маҳалла билан ҳамкорлигимиз ана шундан бошланди.

Дастлаб маҳалладаги ёшларнинг аҳолини ўргандик. Атрофимизда мингдан зиёд ўсмир ва қизлар бор экан. Улардан 40-50 нафари бирор жойда ўқимас ва ишлამас, тарбияси оғирлардан 3 нафари эса ИИБ ҳисобига турар экан. Қизиқларига қараб компьютер, инглиз тили, спорт тўғараклари ташкил этиб, маҳалланинг қирқдан зиёд ўғил-қизини жалб этдик. Қисқаси, уларга коллежнинг барча имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқини яратиб бердик.

— Коллеж билан ҳамкорлик маҳалламиз ёшлари турмуш тарзини, одоб-ахлоқини тубдан ўзгартириб юборди, — дейди маҳалла кўмитаси раиси Уктам Исрофилов. — Кўчада бекор юрган бола қолмади. Тўғарак машғулотларидан ташқари коллеж ўқитувчилари маҳалламизда «Она ва бола, гул билан лола», «Ўзингни, ўз уйингни асра», «Жонажон юртим — Ўзбекистон», «Одоб-инсон кўрки» каби ўнлаб мавзуларда кечалар, суҳбатлар ўтказишди. Бундай тадбирларда маҳалламиз фуқаролари ҳам фаол қатнашапти. Шунга ҳам айтиш керакки, коллеж раҳбариятининг ташаббуси билан маҳалламиздаги 24 нафар киши шу ўқув даргоҳига ишга қабул қилинди. Бу ҳам маҳалла аҳли ва коллеж жамоасининг яқинлашувига ижобий таъсир кўрсатди.

Коллежда бўлган кунимиз ўқитувчи Р.Ҳамроев компьютер тўғрисида, О.Примов Турон яққа кураши тўғрисида маҳалла болалари билан машғул ўтказмаётган экан. Келгусида зардўзлик, миллий унамарандчилик тўғрисидаги очиш режалаштирилган. Хуллас, болаларда билим олишга, хунар ўрганишга эҳтиёж уйғотиш, уларни аниқ мақсад билан яшашга ўргатиш коллеж ўқитувчиларининг асосий вазифаси бўлиб қолган. Шу ўринда Юртбошимизнинг қуйидаги таъкидини эслаш жоиз: «Хар бир инсоннинг, аиникса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаятган ёшларнинг онгига шундай фикрни синдириш керакки, улар олдида қўйган мақсадларига эришиш ўзларига боглиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз рағбат ривожининг асосий шартидир».

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Ислоҳот инсон учун

Китоб иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари бўйича вилоятда етакчи ўринни эгаллайди. Мустақиллик шарофати билан туманда чет эл сармояларига кенг йўл очиб берилди. Ўтган йили туман бўйича 407,7 минг АҚШ доллари микдорига махсулот экспорт қилинди. Ташқи савдо айланмаси 838,5 минг АҚШ долларини ташкил қилди.

ЧЕТ ЭЛ САРМОЯСИ ҲИСОБИГА

Табиати сўлим қадимий Хисор тоғлари фойдали қазилмаларга бой. Ер ости ҳазинасидан эл-юрт манфаатини йўлида фойдаланишга қарор қилган китобликлар бундан уч йил муқаддам хайрли ишга қўл урдилар. «АВЖ компания ЛТД» корхонаси ташкил этилди. Мустақиллик самаралари ва хорижий сармоядорлар кўмаги билан корхона оёққа турди. Хозир бу ерда бир кеча-кундузда 7 тонна лак-бўёқ махсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамизда асосан саноат учун қимматбаҳо махсулот ҳисобланган бўр ишлаб чиқарилади, — дейди жамоа бош муҳандиси С.Эргашев. — Хозирга қадар республикамиздаги 50 га яқин саноат корхоналаридан буюртмалар олдик.

Ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг жорий этилганлиги яхши самара бермоқда. Тоғлардаги кальций карбонат тошлари маҳаллий хомашё ҳисобланади. Австралия ва Олмония дав-

латларидан вакиллар келиб, корхона фаолияти билан танишдилар. Хорижликлар билан ҳамкорлик айлари бошланганга келишилди.

Махсулот сифати ва иш суръати учун кураш жамоанинг қатъий аزمи қарорига айланган. Буюртмачилар — Ташкент лак-бўёқ, Оҳангарон пластмасса, Ангрен резина заводлари хомашёнинг пишиқлиги ва сифатидан мамнун.

Меҳнат жамоасида ишчи-хизматчилар тўғрисида гамхўрлик кўчатирилипти. Уларнинг ойлик маошлари вақтида тарқатилиб, қўшимча мукофот пули ҳам берилмоқда. Моддий манфаатдорлик оширилаётганлиги яхши натижа бермоқда. Ҳар чоракда 34 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади. Корхона ишга тушганидан буён 130 миллион сўмлик даромад олинди.

Ҳақон стандартлари талаблари асосида хомашё тайёрлаётган бу корхона Қашқадарёнинг фаҳрига айланмоқда, дейиш мумкин. **Иззат ҲИҚМАТОВ,** «Ишонч» мухбири.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсати шарофати ила жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни қўллаб-қувватлаш, имтиёз яратиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларга барча билан тенг яшаш, ўқиш, меҳнат ва ижод қилиш, хунар ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Сўнгги беш йил ичида бундай инсонларни қўллаб-қувватловчи Ўзбекистон Ногиронлар жамияти йирик жамоат ташкилот сифатида шаклланди ва ногиронларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. Жамиятда ногиронлик муаммоларини ҳал

қилишга йўналтирилган қонуний ва меъёрий асосни яратиш, уларни реабилитацион техник воситалар билан таъминлаш, таълим, меҳнат, маданият ва спортга жалб этиш, ногирон болалар, аёллар билан иш олиб бориш, халқаро ҳамкорлик ва халқаро

Ижтимоий ҳимоя

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

хужжатларнинг ижросига йўналтирилган фаолият ҳам аниқ мезонни ташкил этди. Бу ишларни амалга оширишда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонун, ушбу қонуннинг ҳаётга жорий этиш механизми

сифатида яратилган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» кенг қамровли вазифани ўтади.

(Давоми 2-бетда).

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир АМАЛИЁТДА — ТЕЖАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурида корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш, мамлакатнинг бой табиий, минерал хомашё саноатидан самарали фойдаланиш, экспортга мослашган импорт ўринни босувчи махсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамиятимиз вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бўлиб, йилига 100 минг тонна хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган. Маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномаси изчиллик билан бажарилаётганлиги боис меҳнат унумдорлиги ортиб, махсулот сифати яхшиланиб бормоқда. Ҳар йили 18 минг тонна тола ишлаб чиқарилиб, Швейцария, Корея, Англия, Германия, АҚШ, Франция, Голландия, Хитой каби хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ўтган йили 4 миллиард 200 миллион сўмлик даромад олинган бўлса, шундан 119 миллион сўмини соф фойда ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошади. Касаба уюшмамиз атрофига 840 нафар аъзо уюшган. 36 та касаба уюшма гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг унумли ишларлари учун қулай шароитлар яратилган. Шу кунга қадар меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбирлари 8 миллион 200 минг сўм, махсус кийим-кечак ва ҳимоя воситалари учун 2 миллион 260 минг сўм сарфланди.

Жамоада меҳнат қилаётган хотин-қизлар икки марта тиббий кўриқдан ўтказилади. Овқатланиш ва дам олиш хоналари мавжуд. Ўртача иш ҳақи 24310 сўмга тўғри келади.

25 ўринли профилактик, тиббиёт шохбаси, 30 минг китоб фондига эга бўлган кутубхона меҳнатқашлар хизматида. Заводнинг футбол, волейбол жамоалари туман ва вилоят мусобақаларида голибликни қўлдан бермапти. Шарқона усулда қурилган 200 ўринли ошхона ва чойхона ишлаб турибди. 100 ўринли болалар богчасида ишчиларнинг фарзандлари тарбияланмоқда.

Ишлаб чиқаришда янги технология кенг жорий этиляпти. Ўзбекистонда хизмат тақдирини муҳандис Василлий Дежиннинг ускуналарни таъмирлаш, ихчам, тежамли технологияга ўтиб ишлаш бўйича ихтирочилик тақдирлари амалиётда қўлланилмоқда.

Завод қошида нотўқима махсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ташкил этилиб, 40 нафар киши иш билан таъминланди.

Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва хомийлик ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган даврда 50 нафар кам таъминланган оилага 150 минг сўмлик, шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»га 300 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ундан ортиқ ходим республикамиз сиҳатгоҳларида даволандилар.

Касаба уюшма гуруҳлари цех ва участкаларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, меҳнатни рағбатлантириш ва ҳақ тўлашни яхшилаш, интизом ва уюшқоқликни мустақамлаш, хотин-қизларнинг иш шароитларини яхши йўлга қўйишда касаба уюшма кўмитасига яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Қўрилаётган тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Меҳнат жамоасида иқтисодий ислохотлар уюшқоқлик билан амалга оширилиб, ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг фаоллиги ошмоқда.

Бахшулло МУҚИМОВ, Ғиждувон пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.

Тошкентда «Ўзгўшт-сут саноат» давлат-акционерлик уюшмасининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.

ГЎШТ-СУТ МАХСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Мамлакатимиз халқини ўзимизда етиштирилган деҳқончилик, богдорчилик, чорвачилик махсулотлари билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. — дейди мазкур уюшма раиси Ҳ.Муталов. — Уюшмамиз таркибиде юзлаб чорвачилик хўжаликлари, гўшт-сут саноат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари бирлашган. Саноат корхоналарининг хилма-хил гўшт-сут махсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Ярмаркага ташриф буюрган ҳар бир ҳамюртимиз тизимдаги иқтисодий ислохотлар қандай самара бераётганлигининг бевосита гувоҳи бўлади. Кўргазмага қўйилган юзлаб турдаги махсулот оқори сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Кўргазмада, айниқса, Самарқанд шаҳридаги «Парвина» хусусий компаниясининг махсулотлари кўпчилигининг эътиборини қозонди. (ЎзА).

ИНСОН ҚАЛБИ МЕХРГА ТАШНА

Сурхондарё вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси ходимлари Ўзбекистон Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашнинг кўшимча тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا асосан ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, вилоятда 643 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионер рўйхага олинган бўлиб, уларга 111 нафар малакали ходим сикдидилдан хизмат кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида уларга 9 турдаги меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ойма-ой давлат ҳисобидан етказиб берилди. 84 нафар ёлғиз пенсионер тиббий муассасаларда соғлиқларини тиклади. 9 нафарининг уйи ҳомийлар маблағи эвазига таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, турли хил кўшимча моддий ёрдам кўрсатишга ҳомийлар маблағидан 3.669.156 сўм сарфланди.


Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-

тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилади.


Хусусан, вилоятда ҳозирги кунда 41494 нафар ногирон мавжуд. Жорий йил бошидан улардан 380 нафари махсус аравача олиш учун навбатга турган эди. Савоб иш қилишни ўзлари учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билган тадбиркорлар ва ҳомий ташкилотлар бегараз мадад кўрсатишди. Уларнинг кўмаги 3260 минг сўмни ташкил қилди. Ана шу маблағ эвазига 163 ногиронлар аравачаси олиб келиниб, эҳтиёжмандларга совға қилинди.

Жорий йилда 931 нафар пенсионер ва ногиронларга вазирлигимиз тасарруфидига ва шайх сийҳатгоҳларга, касаб уюшмасига қарашли даволаш масканларига йўлланма берилгани фикримиз далилидир.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.



Хазорасп туманидаги «Хоразм шакар» давлат корхонаси республикамизнинг кенжа корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхона йилга 400 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлаб, 45 минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда



мавсум давомида маҳсулот ишлаб чиқариш учун «Америка-Ўзбекистон» кўшма корхонаси ташкил этилди ва шакар тайёрлаш йўлга қўйилди. «Хоразм шакари» давлат корхонаси ишчи ва хизматчилари халқимиз дастурхонини

СУРАТЛАРДА: маҳсулот тайёрлаш цехида; смена бошлиғи Баҳром Қурбонов. **Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА)** олган суратлар.

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

(Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ва уларни назорат қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ижобий ишларни амалга оширилди. Ушбу дастурдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманлардаги мавжуд поликлиникаларда ногиронларни тиклаш-реабилитация марказлари Низоми лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланди.

Илм ногиронлар учун ҳаёт қалитидир. Ногиронлар жамияти бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, ногирон болалар таълимни ногиронлик даражаси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиш масаласини кўтарди. Чунки ногирон болаларнинг умумтаълим мактабларига, ўрта махсус ва олий таълим масканларига интеграциялашувни кучайтириш давлат аҳамиятига эга масаладир. Бундай болалар-

нинг таълими моҳият жиҳатидан янги услуб ва услубий қўлланмалари яратишни талаб этади. Шу боис Республикада ногирон болаларнинг таълимга бағишланган Низом ишлаб чиқилди.

Бу борада Андижон вилоятида олиб борилган ишлар диққатга сазовордир. Буюк Британиянинг «SAVE THE CHILDREN» жамғармаси томонидан ажратилган грант асосида қишлоқ шароитида ногирон болаларнинг умумтаълим мактабларида ўқиши масаласи чуқур ўрганилиб, мезонлар ишлаб чиқилди. Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида эса ногирон болалар учун мактабгача ва бошланғич таълим ўқув ишлари билан шуғулланувчи «Меҳрибонлик» боғча мактаби ташкил этилди.

Жамият ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, илм олишлариغا кўмак берish мақсадида бир қанча ташаббусларни илгари сурмоқда. Улардан бири, таянч тизимида жиддий нуқсонни борлиги тўғрисида маълум қилиш бўлиши мумкин. Ҳозирда улар учун махсус машқ жиҳозлари, спорт анжумлари, асбоб-ускуналар тайёрлашга мўлжалланган «Динамо» спорт жамия-

курсини ўз ичига олган ўқув дастурларини яратиш ва болаларга четдан ўқиб имтиҳон топишириш имкониятини яратишди.

Ногиронларга кундалик турмуш, иш шароитида зарур бўлган турли мосламалар яратишда жамият таркибида фаолият кўрсатаётган «Ило» ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулотлари эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда уларнинг сони 200 тадан ортиқдир. Улар жумласига ванналар, душоналар, озодалик бўлмалари учун мосламалар, дам олиш хоналари, кичик реабилитация мажмуалари, қўлай мосламали иш ўринлари кабилар кирди.

Ногиронлар спортини ривожлантириш соҳасида ҳам кейинги йилларда кўпга ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, ногиронларнинг спорт билан шуғулланишига эҳтиёжи борлари республикада мавжуд барча спорт мажмуаларидан бепул фойдаланишлари мумкин. Ҳозирда улар учун махсус машқ жиҳозлари, спорт анжумлари, асбоб-ускуналар тайёрлашга мўлжалланган «Динамо» спорт жамия-

ти қошидаги техника бошқармаси билан шартнома тузилган.

Ногиронларни маданий-маънавий тадбирларга жалб этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, бир неча йиллардан бери халқаро «Енгра» жамғармаси билан бирга ногирон болаларнинг «Мафтункор ранглар олами» бадиий санъат танлови ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, республикада иқтидорли ногирон болаларнинг санъат маркази, пойтахтимизда ногирон аёллар ва болар маънавий маркази ташкил этилди. Самарқанд вилоятида эса ногиронларнинг «Зарафшон» ансамбли фаолият кўрсатмоқда.

Бугун Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш борасида янги иланишлар олиб бормоқда. Уларнинг мақсади битта — кўнгли ярим инсонларнинг оғирини енгил қилиш, тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш учун барча имкониятни ишга солиш.

М.УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири

Бандлик дастури амалда

255 КИШИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Яккабоғ туман ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берапти. Жойларда ўтаётган меҳнат ярмаркалари бунинг исботидир.

Яқинда туман ҳокимлиги ҳовлиси ёшлар билан гавжум бўлди. Тумандаги 60 дан зиёд ташкилот 272 иш ўрни билан меҳнат бозорига иштирок этди.

Ярмаркада иштирок этган ташкилотлар кадрлар бўлими бошлиқлари тўпланганларни бўш иш ўринлари билан таништирди.

Туманда 13539 нафар вояга етмаган ёшлар бўлиб, уларнинг асосийси меҳнат бўлимига иш сўраб мурожаат қилганларни ташкил қилди.

— Меҳнат бўлимига 466 нафар ишсиз мурожаат қилиб, 255 нафари доимий иш билан таъминланди, - дейди бўлим бошлиғи Бойназар Доверов. — 25 нафар ёш касбга йўналтирилди, 40 киши вақтинчалик ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

«Кувасойцемент» ҳиссадорлик жамиятида кунга 1 минг 250 донадан ортик харидоргир янги маҳсулот - черепица ишлаб чиқарилмоқда.

ҚУВАСОЙ ЧЕРЕПИЦАСИ

Соф лойдан тайёрланаётган бундай маҳсулотга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўзида корхонада 50 минг дона черепица ишлаб чиқарилади.

— Маҳсулотнинг асосий қисми Тошкент шаҳри ва мамлакатимиз вилоятларида жўнатилмоқда, - дейди цех бошлиғи Нодирбек Тешабоев. - Ҳозиргача бюртмачилар талаб ва истакларига мос бўлган 20 минг донадан ортик маҳсулот етказиб бердик. Келгусида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 132 минг донага етади.

Хунармандчилик

КЕЧАГИ ШОГИРД — БУГУН УСТОЗ

Бундан тўрт йил илгари Андижонда ёшларни хунармандликка жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Уста-шогирд» оммавий ҳаракати бошлаб юборилганди. Вилоятдаги ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, мисгарлик ва заргарликда ном чиқарган усталар ўз ёнларига 3-4 нафардан ёшларни олиб, хунар ўргатишга киришган эдилар. Шаҳар ва туманларда кенг қанот ёзган бу хайрли ҳаракат бугунга келиб ўз самарасини бермоқда. Минглаб ёшлар халқ хунармандчилиги сирларини пухта ўзлаштириб, мустақил равишда иш бошладилар ва ўзлари ҳам шогирд этиштиришга киришдилар. Шу аснода халқ миллий-амалий буюмлари ҳамда кийим-кечакларини тайёрлаш ҳам тараққий этди-ю, хунармандлар сафи ҳам кескин кўпайди.

Вилоят тадбиркорлар палатасида ташкил этилган «Она Ватан, сенга санъатин, сенга ижодим» деб номланган халқ амалий санъати ва миллий хунармандчилик кўрик-кўргазмасида соёбик шогирдлар ўз касб маҳоратларини намойиш этдилар. Кўргазма шогирдларнинг маҳоратда ўз устозларидан анча ўзиб кетганликларини кўрсатди.

А. МУХАММАДЖОНОВ.

«Феруз-Хоразм» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти бундан 2-3 йил илгари қолақ корхоналар сафига тушиб қолганди. Раҳбарларнинг ўзгариши ва туб иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги ҳозирги кунда корхона яна вилоятдаги илгор жамоалар сафидан мустаҳкам ўрин олди. Бунинг жорий йилнинг ярим йиллик якунлари ҳам кўрсатиб турибди. Кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 136 фоизни ташкил этди. Иш ҳақи беришда ҳам ҳеч қандай узилишлар бўлмаган йўқ.

Корхона маъмурияти ҳамда касабга уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига кўра ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофазалаш, уларга кўнглидагидек иш ҳамда дам олиш шароитини яратиш учун 745 минг сўм маблағ ажратилганди. Мана шу ҳисобдан ишчилар махсус кўйим-бош билан таъминланди. Касб касаллигининг олдини олиш мақсадида улар тиббий кўрикдан ўтказилди. Корхона қошидаги шифохонада эса керакли дори-дармонларнинг барчаси топилди. Зарарли шароитда ишлаётганларга йил бошидан бери ойлик маошларининг 10 фоизи миқдорда кўшимча ҳақ тўланмоқда. Шу

ҚЎШИМЧА ҲАҚ

шунчалик кўп эътибор қаратилми, — дейди корхона касабга уюшма кўмитаси раиси Ш.Машарипова. — Чунки янги ишлаган ҳар бир киши фаровон яшашга ҳақлидир.

Ҳа, мазкур жамоа аъзолари ислохотлар фақатгина унумли меҳнат, изланиш орқалигина амалга оширини яши билмади. Зеро, уларнинг меҳнат кўрсаткичлари ҳам буни исботлаб турибди.

Н.РАФИҚОВ.

Рағбат

ниб бормоқда. Чунончи, ишчиларга ҳар ойда кўшимча равишда 3000 сўмдан ҳақ бериб бормоқда. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 70 минг сўмлик болалар кийим-кечаклари совға қилинди.

Қўшимча ҳақ

— Корхонамиз иқтисодий жиҳатдан қанчалик бакуватлашган сари биз меҳнатқашларни моддий ва маънавий муҳофазалашга шунчалик кўп эътибор қаратилми, — дейди корхона касабга уюшма кўмитаси раиси Ш.Машарипова. — Чунки янги ишлаган ҳар бир киши фаровон яшашга ҳақлидир.

Н.РАФИҚОВ.

Беморлар учун қўлайлик

Керайли тумани марказий шифохонасига умумий нархи 30 минг 800 АҚШ доллари бўлган ултраовушли ташхис қўйиш (УЗИ) ускунаси ўрнатилди.

— Экологик қийин вазиятда яшаётган халқимизга Голландия-Олмонияда ишлаб чиқарилган бу ускуна берилиши айни муддао бўлди, - деди «Туркистон-пресс» мухбирига туман марказий шифохонаси-

нинг бош шифокори Ш.Олла-ниёзов. — Янги ускуна орқали урологик касалликлар, аёллардаги ҳомиладорлик муддатлари аниқланади. Илгарилари мазкур касалликларни аниқлаш учун беморлар Нукус шаҳрига боришга мажбур эди. Энди эса, Тошкент шаҳрида малакасини ошириб келган мутахассисларимиз беморларга шу ернинг ўзида маълум топилди.

БМТНИНГ ОРОЛБЎЙИ ХАЛҚИГА КЎМАГИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ҳисобида 35 миллион сўм ажратилди.

Яқинда 8 миллион 600 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари Шуманай туманидаги «Ойбуйир», А.Мусаев номи хўжалиқларда яшовчи кам таъминланган 384 оиллага берилди. Ун, гуруч, ўсимлик ёғи, шакар сингари кундалик

Қонун барчага баробар

кўрсатиб Жиззах туманлари фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилдилар.

новдан ундириш ҳақидаги тўхтама қелди.

Бир қарашда ҳақиқат қарор топгандек. Бирок, бош мутахассис Э.Холиқовнинг маълум қилишича, вилоят давлат техник назорат инспекцияси раҳбари А.Матқурбонов суднинг ҳал қилув қарорини бажармай келатган эмиш. Мустақил Ўзбекистонимизда қонун устувор. «Мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритиш, қонунни чеklangа ҳаракат қилиш иш берувчини обрўсизлантиради, жамоада носоглом муҳит юзага келишига сабабчи бўлади...

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Жиззах вилоят ҳокимлиги машина ва жиҳозларнинг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси бошлиғи А.Матқурбонов вилоят туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарорига кўра 22-рақамли буйруққа имзо чекади. Уни айнан келтирамиз:

«1. Холиқов Эгамберди вилоят «Давтехназорат» инспекциясига 2001 йил 5 октябрдан бош мутахассис этиб тайинлансин. Штатлар жадвали асосида иш ҳақи тўлансин.

2. Холиқов Эгамбердини 93156 сўм иш ҳақи ва 50000 сўм маънавий зарар тўлансин».

Бир қарашда бу оддий ҳол бўлиб туюлади. Бирок, адолатли юзага чиқариш учун қатор идора ва ташкилотлар, тажрибали мутахассислар ҳаракат қилмади дейсиз.

буйруқ чиқарилган. Буйруқ нусхаси жабрланувчига 2001 йил феврал ойида берилди. Бу қонун талабларига зид эди. Қолаверса, дустургина ишлаб юрган мутахассисга бўлим мудир Т.Ниёзов, мутахассислар инсон тақдирига ўта масъулият билан ёндошдилар. Ҳужжатларни ўрганиш, Э.Холиқов билан бирга ишлаган ишчилар билан фикрлашиш

муносабат масаласида Меҳнат Кодексининг қатор моддалари талаблари бузилганди.

Ҳақ-хуқуқи чекланган мутахассисга осон бўлмади. У қўллаб идора ва ташкилотларга босиб борди. Натига чиқармади. Жиззах вилоят касабга уюшмалари Кенгаши эъза равишда мурожаат этди. Кенгаш

натижасида қонунбузарликка йўл қўйилганлиги тасдиғини топди. Шундан сўнг бошлиқ А.Матқурбоновга тақдимнома киритилди. Тегишли муддат ўтган бўлса-да, тақдимномага жавоб беришни лозим қўришмади. Эслатма хат ҳам эътиборсиз қолди. Вилоят касабга уюшмалари мутахассислари қатъиятлик, изчилик

Суд бош мутахассис ишини синчиклаб ўрганиб чиқиб, ўз хошиши билан ариза эзмаган, қалбаки ҳужжат асосида бўшатирилганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларига кўра Э.Холиқовни ўз вазифасига тиклаш, 50000 сўм маънавий зарарни маъмурият раҳбари А.Матқурбо-

Ўз аризасига кўра...

Аслида воқеа тафсилоти мана бундай:

Э.Холиқов ўтган йилнинг 1 августидан «Ўз аризасига кўра» ишдан бўшатирилди. Бирок, жамоа аъзолари ҳайрон, бонси бош мутахассис ҳеч қандай ариза эзмаганди. Кейинчалик маълум бўлишича, унинг номидан сохтаси ариза битилиб, шунга асосан 23 кундан сўнг

Ўз аризасига кўра...

Суд бош мутахассис ишини синчиклаб ўрганиб чиқиб, ўз хошиши билан ариза эзмаган, қалбаки ҳужжат асосида бўшатирилганлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг тегишли моддаларига кўра Э.Холиқовни ўз вазифасига тиклаш, 50000 сўм маънавий зарарни маъмурият раҳбари А.Матқурбо-

новдан ундириш ҳақидаги тўхтама қелди.

А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Бор бўл, оқибат!

УМРНИ ЯХШИЛИК БЕЗАЙДИ

Инсон умрини ҳамisha яхши сифатлар безайди. Кимки бу фойи дунёда элюрт фаровонлиги, равнақи учун жон куйдириб яшаса, доимо ардоқда бўлади. Биз шундай меҳридарё, саховатпеша одамлар билан кўп бор учрашамиз, суҳбатда бўламиз. Лекин уларни гоҳ пайқаб, гоҳ сезмай қоламиз. Чунки бундай инсонлар қилган ёки қилаётган ишлари билан мақтанишмайди. Эзгулик қилиш улар учун одадий ҳол.

Яқинда Навоий шаҳрида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Хизмат юзасидан шаҳар солиқ инспекциясида бўлганимизда хонага бир йигит кириш учун рўқсат сўради. Бошлиқ муовини Илёс Эшмирзаев уни бизга таништирди:

— Ёш тадбиркорлардан. Солиқни ўз вақтида тўлайди. Исmlари Соҳибжон. Шулар ҳақида ёзинг».

Йўлда кета туриб Соҳибжон «Ака, кечирасиз, менимас, отам ҳақида ёзинг» деб қолди.

Абдурасул Очилов кийиниши, муомаласидан кишини бир кўришда ўзига жалб қилади.

Айни кунда Абдурасул ака Кончилиқ олий билимгоҳи қошидаги Техника коллежида ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор муовини. Маҳаллакўй, ёру дўстлар даврасида «Домла» дея эъзозланади.

Фарзандлар тадбиркорлик билан шуғулланишмоқда. «Экзотика» деб номланган қаҳвахона очишган. Ҳар қалай даромад ёмон эмас. Оиладан орттирган маблағларига яна қуришиш бошлашмоқчи. Оталари бошчилигида етим-есирлардан, кам таъминланган ўндан ортиқ оиладан мунтазам хабар олиб туришади. Шу давр ичида маҳалла ободончилигига, хайрия ишларига бир миллион сўм сарфланди. Қаҳвахонада 40 киши хизмат қилади ва уларнинг ойлик маоши 25 минг сўмдан юқори. Қаҳвахона жойлашган маҳалла худудидаги мактаб ва гимназия, болалар боғчасига доимий ёрдам кўрсатиб келинади. Шу кунгача таъмирлаш, ободонлаштириш учун сарфланган маблағлар ҳам миллион сўмдан ортди.

Абдурасул МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

МЕХНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

САВОЛ: Ходимнинг аризасига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби ва низолар келиб чиқмаслиги учун нималарга аҳамият берилиши кераклиги тўғрисида тушунча беришингизни сўраймиз.

А.АХРАМОВ,

Республика кўз касалликлари шифохонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда албатта Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 99-моддаси талабларига тўлиқ амал қилиниши зарур. Ходим ишдан бўшатишни сўраб ариза ёзганда, уни тезда вазифасидан озод қилиш ҳуқуқи берилди, деб тушуниши хато бўлади.

Ходим мuddатсиз меҳнат шартномасини ҳам, мuddати тугагунга қадар мuddатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчи икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳуқуқлидир.

Бу ўринда ходим ариза билан иш берувчининг қабулида бўлиши мумкин ёки унинг имконияти бўлмаса, ариза қабулхонада рўйхатдан ўтказилиши ёки ходимнинг иш жойи иш берувчи идорасидан узоқда жойлашган бўлса, тегишли хужжатлар олинган ҳолда, ариза почта орқали иш берувчи номига юборилиши ҳам мумкин.

Кўп ҳолларда ходим меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ёзган аризаси билан тўғридан тўғри иш берувчининг қабулида бўлади. Қонунда кўрсатилганидек, ходим икки ҳафталиқ огоҳлантириш мuddати давомида ўз аризасини қайтариб олишга ҳақлидир.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан меҳнат шартномаси икки ҳафталик огоҳлантириш мuddати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Шунинг учун иш берувчи ходим ариза билан муножбат қилганда албатта унинг мuddатига аҳамият бериши зарур. Баъзи ҳолларда ходим меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ариза ёзгани, лекин аризада унинг мuddатини кўрсатмайди. Албат-

та бу ходимнинг ҳуқуқи бундай пайтда унга аниқлик киритилмоғи зарур. Агар аризага иш берувчи огоҳлантириш мuddати тугамасдан олдин меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида имзо чекан бўлса, унда ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассис ариза эгасидан сўраб, меҳнат шартномасини бекор қилиш мuddатига аниқлик киритиши, бу мuddатни ходим аризага қўшимча қилиб ёзиб қўйиши илтимос қилиши

фасига қайта тикланмайди. Қонуннинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.

Яна шунинг ҳам эслатиб ўтиш жоизки, агар огоҳлантириш мuddати тугагандан сўнг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилинган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги ариза ўз кучини йўқотади, бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилинишига ёки ходимнинг ишни тўхтатишига йўл қўйилмайди. Акс ҳолда қонунда белгиланган оқибатлар келиб чиқиши аниқ, яъни ходим қайта ишга тикланиши ёки ходимга интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг ҳуқуқшунос Карим Мухторовнинг ҳуқуқшунослик кўрсатмалари билан иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг ҳуқуқшунос Карим Мухторовнинг ҳуқуқшунослик кўрсатмалари билан иш берувчи ва ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

керак. Чунки иш берувчи ва ходим огоҳлантириш мuddати тугамасдан аввал меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида оғзаки равишда келишилган бўлиши ҳам мумкин.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш мuddатига аниқлик киритмаслик ва огоҳлантириш мuddати тугамасдан аввал ходимни вазифасидан озод қилиш ҳуқуқини олишга ҳақлидир. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан меҳнат шартномаси икки ҳафталик огоҳлантириш мuddати тугамасдан олдин ҳам бекор қилиниши мумкин.

Шунинг учун иш берувчи ходим ариза билан муножбат қилганда албатта унинг мuddатига аҳамият бериши зарур. Баъзи ҳолларда ходим меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб ариза ёзгани, лекин аризада унинг мuddатини кўрсатмайди. Албат-

Ходим меҳнатга қобилиятсизлик ёки таътилда (қандай таътил бўлишидан қатъий назар) бўлган даврида ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли. Агар ходим моддий жавобгар шахс бўлиб, унга ишониб топширилган асбоб-ускуна, товар қимматликларини иш жойидан узоқда бўлганлиги ёки касаллиги туфайли маълумиятга топширишнинг имконияти бўлмаса, бу товар қимматликлари комиссияси тартибида ҳужжатлаштирилади ва аниқланган камомат суд орқали ундирилади.

Ходим икки ҳафталик огоҳлантириш мuddати тугагандан сўнг ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга иш тўғрисидаги маълумотлар ёзилган меҳнат дафтрасини берди ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт. Агарда

Ходимнинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.

Ходимнинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.

Ходимнинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.


Ходимнинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.

Ходимнинг бу талаби бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтрасини ушлаб турган ҳамма вақт учун унинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ тўлайди, ходимга меҳнат дафтрасини берилган кун унинг вазифасидан озод қилинган кун ҳисобланади ва бу тўғрида меҳнат дафтрасига тегишли ёзувлар киритилади. Шундай қилиб, меҳнат дафтрасини ушлаб турилган барча вақт учун ҳақ тўланади ва ходимга шунча мuddатга меҳнат стажини қўйилади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий-тарғибот ишларини намунали ташкил этишнинг аҳамияти катта. Нурота тумани Ички ишлар бўлими ходимлари томонидан шу мақсадда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Суратда: туман ИИБ ходими, милиция катта лейтенанти Бобур Шоназаров (ўртада) ҳамда жамоат тартибини сақлаш хизмати катта ноэри, милиция майори Бахтиёр Тўхтабоев (чапда) ёшлар билан суҳбатда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.



Дунёни ўйлантираётган муаммо

Кўпчилик ўзини СПИД касаллиги билан оғримайман, бу ҳали бизнинг мамлакатга етиб келмаган, деб ўйлайди. Минг афсуски, бундай эмас. Бедаво дард жуда оз бўлса-да бизга ҳам етиб келган ва буни сир тутиб бўлмайди.

Касалликка қарши қандай чора-тадбирлар кўриляпти. Бу ҳақда Республика СПИД маркази аномимхона олий тоифали шифокори Ўлмас ТОШЛОҶОНОВИ муҳокамага чорлади. У киши қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

— ОИВ (ВИЧ) — орттирилган иммунитет танқислик вируси билан зарарланганлар ташқи кўринишидан соғлом кишилардан фарқ қилмайди. Шунингдек, бу касаллик вируси инсон ирқи, жинси, миллати ва ёшини танламайди — у эркакга аёл, болалар ва катталарга бир-дарай юқади. Яна бир жиҳати касаллик яширин ўтаётганда бемор атрофдагилар учун катта хавф тугдириб, вирусни бошқаларга юқтириши мумкин.

— СПИД касаллиги дунё муаммосига айланган. Шу боис ҳуқуқматимиз бундан икки йил олдин қонун қабул қилганди. Гарчи, ана шу қонундан барча тўлиқ манфаатдор бўлса-да, унинг асосий мазмунига яна бир қарра қисқача тўхталсангиз.

— Республикада тиббиёт соҳасида ўтказилаётган сиёсат ҳамда шу соҳа ислоҳи дастурида СПИДнинг чет давлатлардан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишга ҳам ало-

— Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи асосида — Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда 100 дан ортиқ «Ишонч пунктлари» ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда вирус билан хасталанганлар, гиёҳвандларга тиббий ёрдам кўрсатилиб, улар билан очик (ишончли) мулоқотлар ўтказилади, СПИД профилактикаси бўйича аниқ маълумотлар берилди. Гиёҳвандларга эса вирус-

цион гиёҳвандликдан, зинонинг олдини олиш ва унга қарши кураш, қон таркиблари устидан назоратни кучайтириш каби саъй-ҳаракатлар СПИД юқиши олдини олиш кафолатидир.

СПИД кўзга кўринмас дард. БМТ, ЮНАЙДСдан олинган маълумотларга қараганда бугунги кунга дунё бўйича 23 миллион бемор бу хасталик билан вафот этганлиги қайд этилган. Дунёда ҳар дақиқада 16 киши ВИЧ билан оғриб, бир кунда эса 18 минг киши зарарланмоқда.

Россия Федерациясида бугунги кунда 103 минг одам вирус юқтирган, фақат 2000 йилда 25 минг киши ВИЧни юқтирганлиги қайд қилинди. Украина, Беллорусда, қўшни давлатлар — Қозғистон, Қирғизистон ва Озарбайжонда ҳам эпидемиологик вазият анча мураккаб.

Республикада бугунги кунда 302 киши вирус юқтирганлиги аниқланди. Шулардан 24 киши вафот этди.

Бутун дунё олимлари «аср ўлати»нинг олдини олиш учун вакцина ишлаб чиқариш муаммоси билан шуғулланмоқда. Лекин ҳали ҳеч қандай вирусни ўзига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи даволаш препаратлари ишлаб чиқилгани йўқ. Шунинг учун, «Касални даволагандан кўра унинг олдини олган яхши», деган гап беғиз айтилмаган.

Барно СУЛТОНОВА суҳбатлашди.

СПИД — АСР ЎЛАТИ

унда эпидемиянинг олдини олишнинг асосий тамойиллари чет элликлар ва ўз фуқароларимизни қонфиденциал йўл билан тиббий назоратдан ўтишлари, аҳолига маълумот бериб огоҳлантириб туриш, биологик ва касалхонага келтириладиган қон таркиби устидан назорат ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ўз аксини топган. Қонунда вируснинг эпидемик мониторингини ўрганиш, профилактик чора-тадбирларни тақомиллаштириш ва илмий ишларни олиб бориш учун давлат томонидан етарли молиялаштириш масалаларига катта эътибор берилган.


— **Хозирги кунда фаолият юритаятган «Ишонч пунктлари» беморларга қандай ёрдам кўрсатаёпти?**

дан ўзини ҳимоя қилиш усуллари ўргатилади. «Ишонч пунктлари»га текширилишга эҳтиж сезилганда, ўзига касаллик юққан, деб гумонсирган шахслар муружгаат қилади. Уларга шифокорлар тўғри маълумотлар беришади. Шунингдек, руҳий, тиббий, ижтимоий йўналишларда ёрдам кўрсатади.

— **Кўпчилик бу касалликнинг қандай юқиши ҳақида ҳали ҳам тўлиқ муълумотга эга эмас.**

— СПИД пала-партиш жинсий алоқа қилинганда, тозаланмаган битта шприцдан фойдаланганда, касал онадан туғилган боллага қони, сутти орқали, ҳатто касал одамнинг соқол олиш устасини ишлатганда ҳам юқади. Касаллик юқмаслиги учун биринчи галда аҳолини гиёҳвандликдан сақлаш, айниқса, инъек-

САЙЁРАМИЗ САДОСИ



НИГОҲЛАР ҲАМОН БОНДА



Олмоняннинг Бонн шаҳрида Афғонистоннинг ўтиш давридаги вақтинчалик ҳуқуқматини вужудга келтириш бўйича ташкил этилган конференция ўз ишини давом эттирмоқда. Айрим шарҳчиларнинг фикрича, мазкур анжуман икки ҳафта давом этиши мумкин. Ана шу мuddат давомида ўтиш даври ҳуқуқматининг шакллантирилиши қутулмоқда. Дастлабки таҳминларга қараганда, муваққат ҳуқуқматини беш кишидан иборат бўлиши мумкин. Ушбу вазифаларни рўёбга чиқаришда БМТ вакили Лаҳдар Браҳимийнинг саъй-ҳаракатлари алоҳида мазмун кашф этмоқда. Ушбу конференция иши ниҳоясига етганидан сўнг оқсо-

қолар кенгаши бўлажак ҳуқуқмат таркибин аниқлашда алоҳида ўрин тутди. Бу вазифаларни адо этиш учун бир-икки ой кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ана шундан сўнг навбат 2002 йил баҳорда умумлашган ассамблеясини ўтказиш аъмолига бориб тақалади.

ЯНГИ ТАШАББУС

Фаластин ва Исроил ўртасидаги ихтилофлар ҳамон чуқурлашгандан чуқурлашиб бормоқда. Бундай вазиятдан ташвишланишга тушган халқаро ташкилотлар ва йирик давлатлар ҳуқуқматлари Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни жонлантириш учун янги қадамлар қўйишга уринмоқдалар. Хусусан, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл янги ташаббус билан чиқди. Унинг топширигига биноан «Дипломатик десант» деб аталар гурӯҳ Яқин Шарққа йўл олди. Давлат котибининг маслаҳатчиси Истефодаги генерал Энтони Зинни ва давлат котиби ёрдамчиси Уильям Бернс мазкур сафар давомида сөзларли натижаларга эришишлари мумкин,

деб қутулмоқда.

ҚУРБОНЛАР СОНИ АНИҚЛАНДИ

Америкада юз берган фожеаларнинг тафсилотлари кундан-кунга аниқ мазмун касб этмоқда. Куни-кеча Нью-Йорк маъмурилари 11 сентябрдаги даҳшатли воқеа натижасида қурбон бўлган одамларнинг аниқланган сонини ошқор қилдилар. Расмий маълумотларга қараганда «эгизак» осмон-ўпар бинолар — Халқаро савдо маркази ваайроналари остида 3478 киши ҳалок бўлган. 1057 киши эса бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда.

АФҒОНИСТОН МИНТАҚАЛАРИДА

Айни кунларда Афғонистоннинг турли минтақаларида бошқарув тузилмаларини вужудга келтиришда вақтинчалик вазиятлардан келиб чиқиб иш тутиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Масалан, мамлакат пойтахти Қобулдан 70 километр узоқликда бўлган Лаҳор вилояти

фаоллари маҳаллий ҳуқуқмат тузиш йўлидан бордилар. Бундай хатти-ҳаракат бошида турган оқсоқолларнинг фикрича маҳаллий ҳуқуқмат кундалик вазифаларни ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Марказий ҳуқуқмат тузилмаларидан сўнг эса қуйи тузилмалар унга бўйсунди.

ГАВЕЛ ҚАРШИ ЧИҚМОҚДА

Чехия президенти Вацлав Гавел баёнот бериб, Россиянинг НАТО таркибига киришига қатъиян қарши эканлигини билдирди. Унинг фикрича, «дуч келган мамлакатни мазкур иттифоққа аъзо қилвериб оқилона иш бўлмайди. Натижада НАТО ҳам БМТ ва Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик (ОХХТ) тафсилотлари каби нуфузсиз маҳкамага айланиб қолиши мумкин». Овруподаги кўпгина давлатлар Россия би-

АСАЛ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Москвада асаларичиллик ва унинг махсулоти асалга бағишланган 4-ярмарка ўз ишини тугатди. Унда Россия ва унга туташ минтақалардан 350 нафарга яқин асаларичи иштирок этди. Ярмаркани очар экан, пойтахт ҳокими Юрий Лужков ўз гафига асалнинг 60 хил тўғрисида қизикарли гапларни айтди. Шундан сўнг у биринчилардан бўлиб харидорга айланди.

ҚИЗЧА САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Тиббиётчиларнинг айтишларича, инсон баданининг ҳарорати 35 даража цельсий бўлса, у ўлади. Лекин бундай ҳолатдан чекинмишлар ҳам учраган экан. Канадалик Карли Кослофский деган хоним икки яшар қизчасини ҳафтафахлиги боис кўчада унутиб қолдирди. Мурғак соғуқда 6 соат ётди...

Қизчани касалхонага келтиришганда бола баданининг ҳарорати бор-йўғи 14,2 даража эди. Шифокорларнинг фаол саъй-ҳаракати туфайли чақалоқнинг ҳаёти сақлаб қолинди. У яқинда соғайиб, шифохонадан чиқди.

ЖСТ МАЪЛУМОТЛАРИГА ҚАРАГАНДА



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) аср вабоси ҳисобланган СПИД касаллигига чалинган одамларга тааллуқли навбатдаги ҳисоботи эълон қилди. Мазкур ҳужжатга қараганда, айни пайтда бутун дунёда 40 миллион одам СПИД билан касалланган. Биргина 2001 йилда 5 миллион киши ушбу хасталикка йўлиққан.

Интернет ва оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Р.УМАРОВ тайёрлади.

Ишимизни бир кун, бир соат кузатган киши сугуртачига ҳам осон эмаслигини дарров сезади, — деди «Узагросугурта» компаниясининг Бухоро вилояти бўлими бошлиғи Убайдулла Хўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига.

СУГУРТАЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Турли тоифа кишилар, ташкилот раҳбарлари билан шарнома тузиш, уларга сугурта ишининг афзал жиҳатларини тушунтириш-буларнинг бари мутахассисдан катта билим ва бағрикенгликни талаб этади. Мижоз билан самимий муомалада бўлсангизгина мuddаога эришиш мумкин.

Бошлиқнинг айтишича, бугун вилоят бўйича «Узагросугурта»нинг 102 нафар сугурта агенти ва 156 нафар назоратчиси фаолият юритмоқда. Бирор хўжалик ёки корхона йўқки, унга сугурта идораси вакили кириб бормасан бўлсин.

Иккинчи қақриқ Республика Олий Мажлисининг еттинчи сессияси кун тартибига «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилгани кўнгилдаги иш бўлди. Келгусида бу лойиҳа қонун кучини олса, сугуртанинг нуфузи янада кўтарилди.

ТЕЗКОР ВА МАЛАКАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги Фармонида мувофиқ Андижон вилояти туман ва шаҳар шифохоналари хузурида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари барпо этилмоқда.

Пахтаобод туманида шундай бўлимининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу бўлим бино ва иншоотларни тубдан таъмирлаш ҳисобидан барпо этилди. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрларга эга. Шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож ҳар бир беморга бу ерда тез ва бепул ёрдам кўрсатилади. Хонобод ва Қорасув туманларида ҳам тез орада шундай бўлимлар фаолият кўрсата бошлайди.

(ЎзА).

Маънавиятимиз сарчашмалари

Манбаларда байроқлари баланд кўтарилган юрт деб таърифланувчи Бактрия ўлкасининг марказларидан бири бўлган Термиз нафақат сиёсий, балки маданий ҳаётда ҳам азалдан ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиб келган. Хусусан, жаҳондаги уч йирик динлардан бири бўлмиш буддавийликнинг жануби-шарқий Осиёгача ёйилишида кўна Термизнинг ўзига хос ўрни бор.

Хитой, Рим, Парфия каби жаҳонни ларзага солган империялар қатори тилга алоқивучи Кушон империяси ҳукмдорларининг Ҳиндистон билан дўстлик, алоқаларини мустақамлаш йўлида олиб борган сиёсатлари натижаси ўлароқ эраминдан аввалги VI асрдан эътиборан буддавийлик дини Кушон халқлари ҳаётига кириб кела бошлади ва Ка-

ва бошқа ёдгорликлардаги тадқиқ этилган кўплаб деворий тасвирлар бу санъат турининг айнан кўна Термизда нечоғли юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Ҳинд ва Бактрия халқларининг яқин алоқаларидан кхарошоти ёзувларида битилган кўләмаларгина эмас, миллий меъморчилигининг янги тараққиёт босқичига кўта-



ФИЛОННИНГ ҚЎЛИГУЛ ОДАМЛАРИ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Қашқадарёнинг гўзал тоғлар бағридаги Филон қишлоғида солинган иморат уч кунда би-тади-қўяди. Бу лоф эмас, бор гап. Чунки бу қишлоқда одамлар аҳил, ҳашардан ҳеч ким четда қолмайди.

Қишлоқнинг ўзи эса Ҳисор тоғлари бағрида, денгиз сатҳидан 1800-2000 метр баландликда жойлашган. Шахрисабз тумани марказидан 80-85 километр узоқликда бўлган гўзал Филон қишлоғида муборак қадимжолар ҳам кўп.

Беш мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган қишлоқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача уста, хунарманд. Филонда тешани маҳорат билан ишлатмайдиغان одамнинг ўзи йўқ. Шу боис қишлоқда ким иморат солишни бошласа, ҳамма йигилиб боради. Бу ишдан ҳаттоки аёллар ҳам четда қолишмайди. Уларнинг ҳам ўзига яраша юмуши бор. Ёғоч синч орасига гувала қалашда ҳеч ким Филон гўзалининг олдида тушолмайди. Яна бир гап, филолик уста қўлида сайкал топан пичоқни етти иккимдан тополмайси. Ёғоч ўймакорлик борасида ҳам уларнинг олдида тушадиган ҳам.

Одамларимиз меҳнатқаш, шу боис рўзгорлари тўкин, - деди Ҳисорак фуқаролар йиғининг раиси Жуманазар Муҳаммадиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Улар эрта баҳорда тоғ ён бағирларидаги ерларда республиканинг ҳеч қаерида учрамайдиган маҳаллий «қайроқи» номи билан машур бўлган картошка экишади ва кузда тонна-тонна картошкани қазиб оладилар. Бу навли картошка серхосил, шунинг учун ҳам харидорнинг ўзи филолик уста қўлида сайкал топан пичоқни етти иккимдан тополмайси. Ёғоч ўймакорлик асосида олишади. Шартномадан ортиқча ҳосил ўзиники.

ҚОРАТЕПА ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

нишка I ҳукмронлиги йиллари давлат дини даражасига кўтарилди. Буддавийликнинг Кушон империясида, жумладан, Бактрияда чуқур илдиз отишига нафақат олиб борилган сиёсат, балки бошқа диний эътиқодларга нисбатан амалларининг соддалиги, илдиз отиб бораётган қўлдорлик тузуми мафқурасига мос келиши ҳам сабаб бўлган, дейишимиз мумкин.

Япониялик археолог олим Кюдзо Като ёдгорлик аҳамияти ҳақида «Қоратепа Термизнинг марказий ибодатхонаси эканлиги билангина эмас, ўзининг бебаҳо осори-атикалари, буддавийликнинг Япониягача ёйилишида марказ бўлганлиги билан ҳам қимматлидир» — дейиши ёдгорлик моҳиятини яна бир қарар оширади. Тармита ва унинг буддавийлик ибодатхоналарининг минтақа микросида катта таъсир кучига эга бўлиш ва бу орқали жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўиши даражасига етишишида маҳаллий буддавийлик дини вакилларининг хизматлари улкандир. Хитой манбаларида буддавийликни тарғиб қилган, уни Хитой-Тибет тилига таржима қилган бешта бактриялик хоҳиннинг номи тилга олинади. Шулардан Вайбахшика будда мактаби вакиллари Гхошака ва Дхармамитраларнинг хизматлари алоҳида эътироф этилади. Хоҳин Гхошаканинг подшо

ҳозирги будда олами учун ҳам жуда муҳим воқеа саналиб келинмоқда. Бу ҳақда Хитой манбаларида: «Паксу (Вахш-Амуударё) соҳилидаги Тармит шаҳридан келган улуг зот» дея хабар берилади.

Буддавийлик давлатчилигимиз тарихида, бинобарин, маданий ҳаётда чуқур из қолдирган ижтимоий ҳодисадир. Жумладан, ҳайкалтарошлик санъатининг тараққий этгани Фаёзтепа, Айритом, Далварзинтепа ёдгорликларидан топилган бебаҳо ҳайкалтарошлик намуналари мисолида кўринади. Айниқса, Фаёзтепадан топилган Будданинг хоҳинлар билан биргаликда муқаддас бадхи дарахта остида ўтирган ҳолатда ишланган ҳайкалининг юксак баҳолини, халқаро кўргазмаларда иштирок этгани, шухрат қозонгани эътиборга моликдир.

Шунингдек, рангтаъсир санъатининг ниҳоятда тараққий этганини Қоратепа ёдгорлигига оид топилма — Будданинг шўла сочиб турган деворий тасвирининг ёрқин рангларида яхши сақланганлиги мисолида ҳам кузатамиз. Қоратепа, Айритом

қўшардан бири сифатида бемалол тилга олишимиз мумкин. Зеро, давлатчилигимиз тарихида ўз ўрнига эга бу кўна юртининг шонли тараққиёт йўлига тарихнинг ўзи гувоҳдир.

Анвар ТУРСУНОВ.



Кутубхона — зиё маскани. Унда инсоният яратган маънавий бойликлар тўпланган. Кутубхоначи эса ана шу бебаҳо дурдонани элга етказувчи маънавият чироғи. Лазизахон Исмоилова шундай фидойи, жонқуярлар зиёкорлардан. У Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгашининг кутубхонасида узоқ йиллардан бери ишлайди. Қарийб 10000 нусха китоб фондига эга зиё маскани доимо китобхонлар билан гавжум.

Суратларда: кутубхона мудираси Л.Исмоилова китобхонлар даврасида.

И. ХАСАНОВ олган суратлар.

2001 йил - Оналар ва болалар йили

ГЎДАК ДУНЁГА КЕЛДИ...

Гўдак дунёга келган захотиёқ унинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилмоқ лозим. Бу борада АҚШ Халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси томонидан алоҳида тиббий ёрдамга муҳтож чақалоқлар реанимациясининг янги усули ишлаб чиқилиб, дунёнинг аксарият мамлакатларида муваффақиятли татбиқ этилмоқда.

Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтида мазкур усулни қўллаш борасида АҚШнинг Иллинойс университети тиббиёт маркази билан самарали ҳамкорлик олиб борилган.

Тажрибанинг моҳияти шундаки, чақалоқ томирига зарур дори-дармонлар одатдагидан оз миқдорда юборилади. Бу эса болада турли салбий асоратларни юзага келтирмайди. Айни вақтда махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гўдак ўпкасининг ҳаво олиши энгиллаштирилади.

Акушерлик ва гинекология, Педиатрия илмий таълим институти, Наманган вилоят туғруқ мажмуалари, Тошкент шаҳар Перинатал маркази каби тиббиёт муассасаларида ушбу усулдан фойдаланиш ижобий натижа берди. Шу мақсадда акушер-гинеколог, неонатолог, ҳамшира ва дояларнинг малакаси оширилди.

Эндиликда ушбу тажрибани мамлакатимизнинг барча туғруқ мажмуаларида жорий этиш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

Ним табассум

Судья гувоҳ аёлдан сўради:
— Айтинг-чи, гувоҳ, неча ёшдасиз?
— Аёл уйга чўмиб деди:
— Демак... ҳозир ҳисоблайман. Турмушга чиққананда эримнинг ёши қирқда, меники эса йигирмада, яъни икки баравар ёш эдим. Ҳозир эрим етмиш ёшда, демак, мен... ўттиз бешдаман.

Отда елдиримай учи бораётган қовбой жарлик ёқасига келганда, тизгинни тортиди. Лекин сал ўтмай бу иши ўзига ёқмади.

— Ахир, кимсан қовбой бўлсан, нега энди кўрқиб қиради!
— Отни ортга тислантириб, жониворга қамчи урди-да, яна жон томон олиб кетди. Аммо жар ёқасига келгач, от тақат тўхтади ва... тилга кириб деди:

— Мен қовбой эмасман, отман. Ўлгинг келса, жарга ўзинг сакрайвер.

— Эр-хотин ажрашадиган бўлиши. Биргаликда яшаган даврларида нимаики топган бўлсалар, қоқ ўртасидан бўлиниди. Ниҳоят, яккаю ягона фарзандларининг фикрини сўрайдиган пайт ҳам етиб келди.

— Ўғлим, сен ким билан яшайсан?

— Ўғил узоқ ўйланиб қолди, сўнг сўради:
— Телевизор қайси бирларингизга теги...

Биласизми?

СОПОЛ ХОСИЯТИ

Атом тузилишига кўра сопол бошқа ашёлардан кескин фарқлиниб, унга мустақам чатишма ион-квалент боғланган. Сопол тузилишининг хилма-хиллиги (унинг 14 туркумдан ортиқ элементлар бўлавлари мавжуд), шунингдек, таркибидagi моддалар бир-бирининг ўрнини боса олиши турли хил хусусиятли керамик ашёларни олиш имконини беради.

Масалан, алюминий оксиди монокристаллига хром атоми қўшилса, ёқут кристалл ҳосил бўлади. Бу ашё лазер нуруларини олишда ишлатилади. Алюминий оксидининг майда кристаллари йиғиндиси юқори ҳарорат ва босимга бардош бера олувчи ойна тайёрлашда ишлатилади. Эркин доначалар шаклидаги алюминий оксиди корунд деб номланади ва у қаттиқ абразив ашё бўлиб, силикат ойна асосига қўишиш натижасида электр ҳимоялагич ашёлари олиш ва ўта мустақам ашё тайёрлаш мумкин.

А.АЛИЕВ.

Сўзаналар кўргазмаси

Ҳиндистон маданият маркази-да Ўзбекистон Бадий академияси, Навоий вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати билан ҳамкорликда «Нурота каштачилик санъати» кўргазмаси ташкил этилди.

Унда мазкур билим даргоҳи ўқитувчи ва ўқувчиларининг икки юздан ортиқ ранг-баранг кашта ва сўзаналари намойиш этилди.

Нурота сўзаначилик санъати намуналари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қадрланади, - дейди лицей-интернат директори А.Қодиров. - Ўқув юртимиз моҳир чеварлари тиккан каштаю сўзаналар Чехия ва Мисрда ўтказилган халқаро кўргазмаларда совринли ўринларни эгаллагани бунинг аққол далилидир.

«Улугбек» жамоа савдо қорхонасининг думалоқ муҳри йўқолганини сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси катта уста Бердибой Ўрозниязовга рафиқаси **ГАВҲАРХОН**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Намангандаги Бобур номли истироҳат боғи сўриларидан бирида ёстиқча ёнбошлаганича атрофни олазарак кузатаятган йигит ёнига енгилгина қоғоз халтача кўтарган бошқа бир киши келиб тўхтади:

— Утирсак мумкинми?
— Бемалол, бемалол. Узр, кўз сал кетиб қолти. Хизматчилик, иш кўп, дам олишга вақт етмайди.

Орада чой келди. Нон ушатилди. Танишган бўлишди. Ёнбошлаган йигит ўз ишидан шикоят қилди.

— Банк ходимлари фақат пул санашни билади, деб уйлашади. Холбуки, — Шундай деркан, «семизгина» папкасини намойишкорона четга суриб қўйди. — биз бировларнинг ҳожатини чиқарамиз, деб эрта-ю кеч югурамиз, ўзимизни ўтга-чўққа урамиз.

Янги келган киши сергакланди.
— Мен Наманган тумани Боғишамол қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Эшовот қишлоғидан Сатторов Ходимжонман.

— Биз — Солиев Ғофиржон бўламыз. — «Папкалик» гапига расмий тус бериб давом этди. — Вазифамиз кредит, яъни қарз бериш масалалари бўйича мутахассисман. Сиздек ҳалол-покиза инсонларга

хизмат қилишга ҳамisha тайёرمىз.

Бунақа ширин сўзларга ўрганмаган Ходимжоннинг кўзларига ёш келишига сал қолди.
— Акахон, — деди киприкларини артиб. — Бугун ўнг ёним билан турган эканман. Сизни менга худо етказди, гўёки хизрга учрадим.

— Кўринишингиз, гап-сўзларингиз менга маъқул келиб қолди.
Ходимжон кўлларини кўксига қўйди:

— Э, акахон, яхшиларнинг садағаси кетсанг арзийди. Бағри кенг йигит экансиз. «Ха» деворсангиз ўла-ўлгунча унутмасдик.

Ғофир жиддий қиёфада сўради:
— Нима қилиш керак? Очигини айт бериң!

— Ўзбекчилик, акахон, уй қуриш керак, тўй қилмоқчиман. Эскироқ бўлсада биронта автомашини сотиб олсам, дегандим... Қарзлардан бир кун қутилиб кетармиз.

Ғофир гўё катта муаммага дуч келгандек бир зум ўйга ботди, кейин шартта қўл силтаб деди:
— Анча қийин ишни айтдингиз. Лекин ҳозирча бир миллион сўм олиб бера-

ман. 4 дона суратингизни, паспортингиз нусхасини келтириб берасиз. Индинга шу ерда учрашамиз!

Жавобдан чўнтаги пулча тўлгандек қувонган Ходимжон осмондан тушган «хизрини» айтилган вақтда шу ерда кутиб олди. Ғофир Солиев бу гал пешонасини тириштириб деди:

— Одамлар галати бўлиб кетишган. Озгина «эримасангиз» бўлмайди-ганга ўхшайди.

Ходимжон кўксига урди:

— Мингдан минг розиман. Ош қилайми, қозон кабомби ёки товук димламми?

— Ўта содда экансиз-ку, ошина, улар сизнинг дастурхонингизга муҳтож эмас, қуруғидан керак, қуруғидан!

— Қанча? — тарвузи қўлтигидан тушиброқ сўради Ходимжон.
— Бир юмалоқ, яъни юз минг сўрашяпти, аммо аранг етмиш минг сўмга кўндирдим.

— Уриниб кўраман, — у шундай деди-ю, хайрлашди.

Лекин ҳамманинг ҳам чўнтаги Ходимжонники сингари қуруқ эмас эди. Наманган шаҳрининг «Гўзал» массивида истиқомат қилувчи Дилшодбек Тўраев ўзини Миллий банкнинг кредит бериш бўлими мутахассиси ва «Ишонч» суғурта агентлигида ишлайдиган ходим деб таништираган Ғофирнинг меҳрибончилигидан эриб кетиб, 2 миллион сўм кредит олиб бериши учун банкда ҳисоб рақамини очиб унда сақлаб туришга

да меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун 1 миллион сўм кредит олиб бераман деб 20 минг сўмини ўзлаштириб юборди. Бундай мисоллар давом эттириш мумкин. Умуман, Ғ.Солиев одамларни алдаб, фибри бериш йўли билан уларнинг 842500 сўм пулини қўлга киритди ва ўз мафлаати йўлида ишлатиб юборди.

Хўш, аслида Ғ.Солиев ким? Кўринишиндан от хурқадиган, қўлидаги чарм папкаси эски-туски қоғозлар билан тўлган, умрида бирон жойда ёлчишиб ишламаган, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб ўрганган бу кимсанинг ҳозиргина тилга олинган хурмача қилиқлари янгилик эмас. У бундан олдин ҳам шу каби қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун Норин тумани суди томонидан 2 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Афсуски, бурнига сув қирмаган экан. Ғофир фуқаро Б.Ориповни ҳам алдаб, катта миқдорда кредит олиб бераман, деб ишонтириб 220 минг сўм пулини олаётганида, жиноят устида қўлга тушди. Муттаҳам бу гал энди 12 йиллик умрини тўрт девор ичида ўтказиши аниқ бўлди. Қилмиш-қидирмиш, деб шуни айтдилар-да!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзохид Содиков.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва зўлонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга «топириш» вақти - 21.00
Топширилди 22.15

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот Қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.